I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-мартида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 1 233,3 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,8 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 100,7 фоиз, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 15,2 фоиз), қурилиш –100,4 фоиз (11,1 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 101,1 фоиз (13,8 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 107,4 фоиз (9,0 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 106,5 фоиз (31,6 фоиз)ни ташкил қилди. Саноатда ишлаб чиқариш ҳажмининг 1,8 % га камайиши кузатилди. Ушбу тармоқнинг ЯҲМ даги улуши 19,3 % ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми 929,1 минг сўмни ташкил этди ва 0,9 фоизга ўсди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби

январь-март ҳолатига (*жамига нисбатан фоизда*)



2018 йилнинг январь-мартда ЯҲМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 54,4 фоизни ташкил қилди, бу эса 2017 йилнинг январь-мартига нисбатан 2,1 пунктга камдир (56,5 фоиз). Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 1,2 пунктга камайди ва ҳисобот даврида 9,0 фоизни ташкил қилди. Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 0,4 пунктга камайди ва 13,8 фоизни ташкил қилди. Хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 2017 йил январь-мартдаги 32,1 фоиздан 2018 йил январь-мартда 31,6 фоизга тушди.

Ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот

2018 йил январь-март ҳолатига

	ЯИМ (ЯҲМ)		*Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ)*	
	млрд. сўм	*ўсиш суръатлари, %*	*мингсўм*	*ўсиш суръатлари, %*
Ўзбекистон Республикаси [1)]	**64 958,0**	**105,1**	**1 985,9**	**103,3**
Қорақалпоғистон Республикаси	2 294,2	105,8	1 243,5	104,3
вилоятлар:				
Андижон	3 013,3	108,9	999,0	107,1
Бухоро	2 599,9	99,6	1 388,4	98,2
Жиззах	**1 233,3**	**102,8**	**929,1**	**100,9**
Қашқадарё	4 084,1	105,1	1 294,9	103,1
Навоий	3 859,9	103,2	4 022,0	101,6
Наманган	2 121,3	104,0	784,5	102,2
Самарқанд	3 584,8	103,0	961,9	101,0
Сурхондарё	2 245,1	106,7	891,1	104,5
Сирдарё	1 019,3	104,5	1 247,5	102,9
Тошкент	5 924,3	106,1	2 068,2	104,9
Фарғона	3 761,2	103,9	1 037,4	102,3
Хоразм	1 858,7	106,1	1 028,3	104,5
Тошкент ш.	10 502,3	107,2	4 251,3	105,3

[1)] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда.*

2018 йилнинг январь-март маълумотларига кўра ЯҲМнинг юқори ўсиш суръатлари Андижон вилоятида (108,9 фоиз), Тошкент шаҳрида (107,2 фоиз) Сурхандарё вилоятида (106,7 фоиз) кузатилди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръатларининг республика даражасига (105,1 фоиз) нисбатан паст кўрсаткичлари Бухоро (99,6 фоиз), Жиззах (102,8 фоиз), Самарқанд (103,0 фоиз) ва Навоий (103,2 фоиз) вилоятларида кузатилди.

ЯИМни шакллантиришда худудларнинг иштироки

2018 йил январь-март ҳолатига (ЯИМ га нисбатан фоизда)



Республика бўйича ЯИМни шакллантиришда Тошкент шаҳри 16,2 фоизли улуш билан етакчилик қилмоқда. Тошкент вилояти 9,1 фоиз ва Қашқадарё вилояти 6,3 фоиз кўрсаткичи билан кейинги ўринларни эгаллашган. ЯҲМнинг энг кам улуши Сирдарё вилоятида (1,6 фоиз), Жиззах вилоятида (1,9 фоиз), Хоразм вилоятида (2,9 фоиз) ва Наманган вилоятида (3,3 фоиз) кузатилди.

2018 йилнинг январь – марти якунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯҲМ таркибидаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Сурхондарё вилоятида (23,2 %), саноатнинг энг юқори улуши Навоий вилоятида (69,1 %), қурилишнинг энг юқори улуши Жиззах вилоятида (11,1 %), хизматлар соҳасининг энг юқори улуши эса, Наманган вилоятида (66,0 %) кузатилмоқда.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯҲМ таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида (3,5 %), саноатнинг энг кам улуши Сурхондарё вилоятида (12,2 %), қурилишнинг энг кам улуши Тошкент вилоятида (4,0 %), хизматлар соҳасининг энг кам улуши эса, Навоий вилоятида (20,2 %) қайд этилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг
тармоқлар кесимида тақсимланиши
2018 йил январь-март ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)